

ЎЗБЕКИСТОН МАТБУОТ ВА АХБОРОТ АГЕНТЛИГИ
ПРЕСС - РЕЛИЗ

**Миллий оммавий ахборот воситалари, нашриётлар ҳамда матбаа
соҳасининг ривожланиш тенденциялари ва истиқболлари тўғрисида
матбуот анжумани**

ПРЕСС - РЕЛИЗ

“Миллий оммавий ахборот воситалари, нашриётлар ҳамда матбаа соҳасининг ривожланиш тенденциялари ва истиқболлари тўғрисида” матбуот анжумани

2017 йил 31 январь куни соат 11.00 да Миллий матбуот марказида “Миллий оммавий ахборот воситалари, нашриётлар ҳамда матбаа соҳасининг ривожланиш тенденциялари ва истиқболлари тўғрисида” матбуот анжумани бўлиб ўтади. Анжуман ташкилотчиси: Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги.

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислом Каримов томонидан эълон қилинган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чукурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида “Ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш” бўйича белгилаб берилган стратегик вазифалар оммавий ахборот воситалари учун яна муҳим даврни бошлаб берди.

Бугунги кунда республикамизда газета, журнал, ахборотнома-бюллетень, радио, телевидение, ахборот агентликлари, веб-сайтлар каби жами етти турдаги оммавий ахборот воситалари рўйхатга олиняпти. Оммавий ахборот воситаларимиз ўзбекистонда яшаётган миллатларнинг 7 та тилида ва сиёсий-ижтимоий, иқтисодий, маънавий-маърифий, спорт каби 20 дан ортиқ ихтисосликларда фаолият олиб боради.

2017 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра рўйхатга олиниб, давлат реестрига киритилган оммавий ахборот воситаларининг умумий сони 1514 тани ташкил этади. Улардан 691 таси газета, 309 таси журнал, 15 таси ахборотнома-бюллетень, 4 таси ахборот агентлиги, 65 таси телевидение, 35 таси радио, 395 таси веб-сайтлардир.

2016 йил давомида Агентлик ва унинг худудий бошқармалари томонидан рўйхатдан ўтказиш бўйича жами 134 та (42 та босма, 92 та электрон (радио, ТВ, веб-сайтлар) аризалар кўриб чикилиб, амалдаги қонунчилик талабларига зид эмаслиги сабабли оммавий ахборот воситалари давлат рўйхатидан ўтказилиб тегишли гувоҳномалар берилди.

Иқтисодий танг ахволда қолганлиги ҳамда турли сабабларга кўра фаолият кўрсатмаётганлиги учун 2016 йилда 35 та (25 та газета, 10 та журнал, 1 ахборотнома-бюллетень) босма, 5 та (4 та веб-сайт, 1 та телевидение) электрон ОАВларнинг чиқарилиши муассисларининг қарорларига кўра, шунингдек, 5 та газета, 1 та журнал, 1 телеканал фаолияти Агентлик давво аризаларига мувофиқ Хўжалик Судлари қарорларига асосан тутатилиб, давлат реестридан чиқарилди.

Агар миллий оммавий ахборот воситаларимизнинг истиқтол давридаги ривожига назар ташласак уни мунтазам равища ўсиб келаётганини кўришимиз мумкин. Масалан, 1991 йилда уларнинг жами сони 395 та бўлган сўлса, 2001 йилга келиб 719 тани ва 2017 йил 1 январь ҳолатига эса бу кўрсаткич 1514 тани ташкил этмоқда.

Шу билан бирга нодавлат оммавий ахборот воситаларимизнинг сони ҳам йилдан йилга ошиб боряпти. Жумладан, 1991 йилда 395 та ОАВ барчаси давлат тасарруфида бўлган бўлса 2001 йилга келиб нодавлат ОАВ сони 110 тага етди, 2017 йил 1 январь ҳолатига кўра бу кўрсаткич 975 тани ташкил этмоқда. Бошқа сўз билан айтганда ҳозирда республикамизда нодавлат ОАВ жами оммавий ахборот воситаларининг салқам 63.4 фоизини ташкил этяпти.

Мустақиллик йилларида ноширчиликнинг хукукий асоси яратилди, қатор қонун ва қонуности меъёрий хужжатлар қабул қилинди, соҳанинг техник базаси ҳам мустаҳкамланди ва модернизация этилди. Бу бевосита китобларнинг сифатини ошишига ва халқаро стандартларга мос равища чиқарилишига олиб келди.

Агар нашриётларнинг сонига назар ташласак бу соҳада ҳам жиддий ўзгаришлар рўй бераётганини кўришимиз мумкин. Мустақиллигимизнинг дастлабки йилларида нашриётларнинг сони 9 та бўлиб уларнинг барчаси давлат тасарруфида бўлган. Ҳозирда уларнинг сони 122 та

бўлиб, 57 таси нодавлат нашриётлардир. Ўтган йилда Ноширлик фаолиятини лицензиялаш комиссиясининг тегишли қарорларига кўра 6 та нашриётнинг лицензияси бекор қилинди.

Ҳаммамизга яхши маълумки, нашриётларимиз ўртасида “Йилнинг энг яхши китоби” кўрик танловини ўtkазиш анъанага айланди. Танловда беш номинация бўйича миллий маънавиятимиз, замонавий технологиялар асосида нашр этилган энг сара китоблари тақдирланмоқда. Нашриётларимиз ҳар йили халкаро китоб кўргазмаларида иштирок этиб, совринли ўринларни олишга эришмоқдалар.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 февралда қабул қилинган “Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси хузурида “Ижод” фондини ташкил этиш тўғрисида”ги қарорига мувофиқ иқтидорли ёш адилларнинг Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси томонидан тавсия этиладиган ижод намуналарини, жумладан, биринчи китобларини нашр этиш учун молиявий ёрдам кўрсатиб келинмоқда.

Республикамиз худудида яшаб, ижод қилаётган ижодкорларга шарт-шароитлар яратиш, уларнинг асарларини ўз вақтида нашр этилишини таъминлашда Агентлик худудий бошқармалари қошида ташкил этилган нашриётлар томонидан амалий ишлар бажариб келинмоқда.

Хукуматимиз томонидан юртимизда матбаа соҳасини жаҳон андозалари даражасида ривожлантириш, полиграфия корхоналарини техник ва технологик жиҳатдан модернизация қилиш масаласига доимий эътибор қаратилаётгани боис ички бозордаги матбаа маҳсулотларига бўлган эҳтиёж тўлиқ таъминланмоқда. Мамлакатимиздаги матбаа корхоналарининг аксарияти замонавий, жаҳон стандартлари талабига жавоб берадиган, юқори қувватга эга матбаа ускуналари билан жиҳозланган. Бу ўз навбатида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифатини яхшиламоқда.

Республикамизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очилгани туфайли бошқа соҳаларда бўлгани каби матбаачиликда ҳам хусусий корхоналар сони ортиб боряпти. Мустақилликнинг дастлабки даврларида мамлакатимизда жами 149 матбаа корхонаси иш юритган бўлиб, уларнинг барчаси давлат ташкилотлари тасарруфида бўлган. 2017 йил 1 январь холатига республикамизда матбаа корхоналарининг умумий сони 1755 тани ташкил этади.

Соҳага оид меъёрий хужжатлар талабларини бажармаганлиги, амалдаги давлат стандартларига мос келмаган маҳсулот ишлаб чиқаргани ҳамда матбаа фаолияти билан шуғулланиш учун берилган гувохномаларининг муддати тутаганлиги сабабли Агентлик томонидан 2017 йилда 250 та хўжалик юритувчи субъектининг матбаа корхонасига берилган гувохномаларининг амал қилиши тўхтатилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 25 августдаги “Бюрократик тўсикларни бартараф этиш ва тадбиркорлик фаолияти эркинлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ти ПҚ-1604-сонли Қарори эълон қилинган. Энг муҳими мазкур қарорга кўра, матбаа корхоналари ҳамда тамға-ўймакорлик устахоналарини очиш ва фаолият юритишга, матбаа асбоб-ускуналарини харид қилишга рухсатномалар олиш, полиграфия корхонаси ишлаб чиқариш биносининг санитария талабларига, ишлаб чиқариш биносининг экология талабларига мувофиқлиги тўғрисида далолатномалар олиш ва фаолият олиб борадиган биносининг ёнгин хавфсизлиги талабларига мувофиқлиги тўғрисида далолатнома талаблари бекор қилинди.

Кўриниб турганидек, яратилган кенг шароитлар туфайли ўтган 25 йил давомида миллий оммавий ахборот воситаларимиз, нашриёт ва матбаа корхоналаримиз сони бир неча баробарга ошиди.

Бундай салмоқли ўзгаришлар соҳада қонунчилик механизмини янада такомиллаштириш, уларнинг эркин фаолият юритишлари учун зарур шарт-шароитлар яратиш лозимлигини тақозо этмоқда.

Биринчи Президентимизнинг Парламент қўшма мажлисидаги маъruzасида “Ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш” борасида кўйган вазифалари айнан шу мақсадга йўналтирилган.

Мазкур Концепцияда ахборот соҳасига дахлдор “Оммавий ахборот воситалари фаолиятининг иқтисодий асослари тўғрисида”ти, “Оммавий ахборот воситаларини давлат томонидан кўллаб-кувватлаш кафолатлари тўғрисида”ти янги қонунларни қабул қилиш билан бирга амалдаги “Оммавий ахборот воситалари тўғрисида”ти ва “Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида”ти Қонунларга тегишли ўзгартиш ва кўшимчалар киритиш вазифаси кўйилди.

2011 йилда Ҳукумат томонидан ташкил этилган эксперт гурӯхлари томонидан Ўзбекистон Республикаси “Оммавий ахборот воситалари фаолиятининг иқтисодий асослари тўғрисида”ти, “Оммавий ахборот воситалари ва ахборот олиш соҳасидаги айрим қонун хужжатларига ўзгартиш ва кўшимчалар киритиш тўғрисида”ти қонунлар лойихалари бўйича ўрнатилган тартибда муҳокамалар ўtkazildi ва Вазирлар Маҳкамасига киритилди. Қолган лойихалар устида иш давом этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 30 декабрдаги “Оммавий ахборот воситаларини янада ривожлантириш учун қўшимча солик имтиёзлари ва афзалликлар бериш тўғрисида”ти ПҚ-1672-сон Қарори соҳани ривожлантириш учун кенг имкониятларни яратган эди. Ушбу Қарорда оммавий ахборот воситалари, нашриётлар ва босмахоналар учун бир қатор имтиёзлар берилган эди.

Жумладан, таҳририят, нашриёт ва босмахоналар оммавий ахборот воситалари ва китоб маҳсулотларини сотишдан ва уларнинг нусхаларини кўпайтириш бўйича кўrsatilgan хизматларидан олинадиган даромадлари қисмида Республика йўл жамғармаси ҳамда Таълим ва соғлиқни сақлаш муассасаларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармасига мажбурий ажратмаларни тўлашдан, матбаа ташкилотлари томонидан олиб келинадиган қоғоз, матбаа хом ашёлари ва ускуналари божхона тўловларидан беш йил муддатга озод этилган эди. 2017 йилда ушбу муддат 2019 йигача узайтирилди.

Шунингдек, микро фирмалар ва кичик корхоналарга мансуб бўлган матбаа ташкилотлари учун ягона солик тўлови ставкаси 6 фоиздан 5 фоизгача камайтирилди, “Ижод” жамоат фондига тўланадиган мажбурий ажратмалар миқдори ҳам икки фоиздан бир фоизгача пасайтирилди.

Бундай имтиёзларнинг берилиши келажакда ОАВ, нашриёт ва матбаа корхоналарини ривожлантиришга, фаолиятларини эркинлантиришга, техник ва технологик модернизация жараёнларини жадаллаштиришга, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар таниннархининг пасайишига ҳамда сифатининг ошишига хизмат қиласи.

Ахборот соҳасини ислоҳ этиш бўйича амалга оширилаётган тадбирларнинг асл моҳияти фуқаролик жамиятини барпо этишда ОАВ мустакил институт сифатида шаклланишини, сиёсий ҳокимият ва фуқаролар ўртасидаги муносабатларни тартибга солишда очиқликни ҳамда фуқарорларнинг ахборот соҳасидаги конститутциявий ҳуқуқларини тўлиқ таъминлашдан иборатdir.